

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН

• Алишер Навоий Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
университети.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
қўлидаги Олий ва ўрта махсус, профессионал техника йўналишлари бўйича
Ўқув-ўқувчи бирлашмалар фаолиятини йўналдириш ва назорат қилиш
2020 йил 14 август кунининг 148-сонли йўриқ-қарорига
асосланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2020 йил 14 август кунининг 148-сонли буйруғи
билан тасдиқланган.

**5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Махсус Малака талаби 100000 – Гуманитар таълим соҳаси Давлат
таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари
классификатори, Ўзбекистон Республикаси Малака талаби режасига
мувофиқ ишлаб чиқилган ва расман Тошкент

Ўзбекистон Республикаси ҳудудда Малака талабини расман ҳал этиш
ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига
тегишлидир.

ЎЗР ОЎМТВ
Буйруқ № 418
"14" 08 2020 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2020 йил «14» 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил «14» 08 даги 418 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби 100000 – Гуманитар таълим соҳаси Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи</i>	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши</i> Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши</i> бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши</i> бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши</i> бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	4
1.2.3.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши</i> бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши</i> бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
2.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши</i> бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	6
2.3.	Бакалавр даражаси квалификацияси	7
3.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши</i> ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.1.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши</i> ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар.....	7
3.2.	<i>5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналиши</i> ўқув режасидаги юклама ҳажми	7
	Библиографик маълумотлар.....	8

1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби **5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) – ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасининг йўналиши бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, давлат бошқаруви органлари, вазирликлар, кўмиталар, уюшмалар, фуқаролик жамияти институтлари, ташкилотлар, таълим, илмий тадқиқот муассасалари, миллий ва халқаро ОАВларидаги комплекс масалалар ечимини қамраб олади.

1.2.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятларининг объектлари:

– ўзбек тилида яратилган бадиий матнлар, фикр ифодалашда потенциал маъно ясовчи воситалар;

– нутқнинг яратилиш жараёни; мулоқот бирликлари; бадиий-эстетик коммуникация; матн талқини, тушуниш ва идрок этиш;

– таълим жараёни меъёрий ҳужжатлари, педагогик технологиялар, таълимнинг техникавий воситаларини ўрганиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш.

1.2.3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- илмий-тадқиқот;
- маънавий-маърифий фаолият;
- педагогик фаолият (умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими тизимида);
- ташкилий-бошқарув фаолият.

1.2.4. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазибалари.

5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазибаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни амалиётда қўллаш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- Ёшлар иттифоқи ташкилоти, маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда маънавий-маърифий масалалар бўйича индивидуал суҳбатлар ўтказиш;
- Ўзбекистон ва жаҳон тарихига оид манбалардан илмий, маънавий-маърифий соҳада фойдаланишни ташкиллаштириш;
- умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

Педагогик фаолиятида (умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими тизимида):

- умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус таълими тизими муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига қўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, восита ва шакллар масаласида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- филологик фаолият сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

– педагогик жараёни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

– замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва уларнинг эксплуатацияси билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши масаласида ишлаб чиқариш жараёнини назорат қилишда иштирок этиш.

2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- фуқаролик жамиятининг долзарб масалаларини билиши, Ўзбекистон ривожлантириш стратегиясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга;

- дунёқараш билан боғлиқ фалсафий билимларга тизимли эга бўлиши, мустақил таҳлил қила олиши, касбий фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2. Касбий компетенциялар:

- тил ва адабиёт фанларини ўқитишда намунавий инновацион технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

– ўқув фанларини ўқитиш методикасини эгаллаш;

– электрон ўқитиш усуллари эгаллаш;

– замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноаънавий ўқув машғулотларини ўтказиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;

– ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;

– мустақил таълим ва илмий-ижодий қидирув ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш;

– ўзбек тили ва адабиёти тарихи, таълимоти ва назариялари, йирик намояндалари, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг фан соҳаси сифатида шаклланиши, ушбу соҳадаги турли мактаблар, олимларнинг концепция ва илмий ёндашувларини билиш;

– ўзбек тилшунослиги, умумий тилшунослик, қадимги туркий тил, ўзбек тили тарихи, ўзбек халқ оғзаки ижоди, ўзбек адабиёти тарихи, назарияси, жаҳон адабиётига оид

билимларни эгаллаш, тил фанлари, адабиётнинг долзарб масалаларини илғай олиш, илмий фаолиятда қўллай билиш ва ўқувчиларга етказа олиш;

– анъанавий ва ноанъанавий методлар, илғор педагогик технологияларни ихтисосликка мос фанларни ўқитиш чоғида танлай олиши, ўз фанида метод ва технологияларни ижодий қўллай олиши, фактларни таҳлил қилиши, умумлаштириш ва шу асосда хулоса чиқара олиш;

– ўқитишнинг илмий асосларини таҳлил қилиб бориши, методик бирлашмаларда умумий ўрта таълим матаблари ва ўрта махсус таълими мазмунида фаннинг ўрнини белгилай олиши ва унинг илмий муаммолари бўйича педагогик ўқишларда маърузалар ўқиши, умумий ўрта таълим матаблари ва ўрта махсус таълимида дифференциал таълимни йўлга қўя олиши, ўқув жараёни билан боғлиқ барча ҳужжатларни юрита олиш;

– интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усул ва воситаларига эга бўлиш;

– ахборотларни тўғри ифода этиш асосида мафкуравий иммунитетини шакллантириш қобилиятига эга бўлиши лозим.

2.3. Қўйидаги бакалавр даражаси квалификацияси берилади:

- Филолог, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчи.

3. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

3.1. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалаврият таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи ҳамда касбий компетенцияларига қўйиладиган талабларга мувофиқ, талабалар мажбурий ва танлов фанларини ўзлаштириши, амалиётларни ўтиши ва натижада касбий фаолиятида зарур билим, кўникма ва малака компетенцияларини эгаллашини таъминловчи мазмунда ишлаб чиқилади.

Ўқув режаси кредит-модуль тизими асосида шакллантирилади. Бунда ўқув жараёни графиги, ҳафталар кесимида ўқиш вақти, аттестациялар, амалиётлар, татиллар, семестрлар бўйича ўтиладиган “Табиий-илмий ва гуманитар фанлар”, “Умумкасбий фанлар”, “Махсус фанлар”, машғулотлар турлари, ажратилган соатлар, кредитлар, фанлар коди, Давлат аттестацияси ва бошқалар кўрсатилади.

Ўқув режаларга киритиладиган мажбурий ва танлов фанлар турдош олий таълим муассасалар билан ҳамкорликда таянч олий таълим муассасалари томонидан белгиланади.

3.2. 5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқув даврлари	Кундузги таълим шакли учун*
----------------------	------------------------------------

Назарий ва амалий таълим*	40-60%
<i>Шу жумладан, мустақил таълим</i>	-
Аттестация	6-8%
Таътил	10-30%
Малакавий амалиёт	15-30%
Битирув малакавий иши**	2-3%

* Назарий таълим таркибига аттестациялар ҳам киради.

** Битирув малакавий иши таркибига уни химоялаш бўйича Давлат аттестациялари ҳам киради.

Ўқишнинг меъерий муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ:

Назарий ва амалий таълим	106 ҳафта
Малака амалиётлари	30 ҳафта
Битирув малакавий иши ёки давлат аттестацияси	5 ҳафта
Аттестациялар	21 ҳафта
Таътилар	42 ҳафта
Жами	204 ҳафта

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий ва амалий таълим –	51 %;
аттестация –	10 %;
таътил –	20 %;
малака амалиёти –	15 %;
битирув малакавий иши –	2 %.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли; ҳозирги ўзбек тили, лисон, нутқ, меъёр, қадимги туркий тил, тил тарихи, тарихий грамматика, тилшунослик назарияси, тил ва жамият, тил оилалари, тил гуруҳлари, қиёсий-тарихий тилшунослик, терминология, лексикография, араб ва форс алифбоси, диалектология, халқ оғзаки ижоди, мифология, болалар фольклори, мумтоз адабиёт, адабий ёдгорликлар, навоийшунослик, миллий уйғониш, янги ўзбек адабиёти, адабий танқид, жаҳон адабиёти, туркий халқлар адабиёти, адабиётшунослик, ўқитиш методикаси, матн, матншунослик

Ишлаб чиқувчи, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети



Ректор Ш.Сирожиддинов

2020 йил « 13 » 08

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва
илғор технологияларни татбиқ этиш
маркази




Директор З.Хакимов

2020 йил « _____ » _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Ўзбек тили, адабиёти ва
фольклори институти



Директор Н. Махмудов

2020 йил « 13 » 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар
академияси Давлат адабиёт музейи



Директор Ж.Эшонкулов


2020 йил « 13 » 08

М.Ў.

“Тил ва адабиёт таълими” журнали таҳририяти томонидан

бакалаврият таълим йўналишлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмоличларининг таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)

т/р	“Тил ва адабиёт таълими” журнали учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши		“Тил ва адабиёт таълими” журналининг бакалаврият таълим йўналиши битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1.	5120100	Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)	<p>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</p> <ul style="list-style-type: none"> - турли жанрларга мансуб асарларни тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қила олиш; - ўзбек тили ва адабиёти бўйича фикрлаш маданиятини эгаллаган бўлиши, оғзаки ва ёзма нутқини аргументланган ҳолда аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши; - матнларни имловий, услубий жиҳатдан таҳрир қила олиш; - ижодкорлик салоҳиятидан фойдаланиши, янги ғояларни яратиши; - тил ва адабиёт таълимига оид мақолаларни ёза билиш; - барча турдаги хатларни ёза билиш; - барча турдаги маълумотларни ёза олиш; - ўзбек тили ва адабиёти таълими соҳасига оид адабиётлар (мақолалар, китоблар, малакавий иш) таҳлилларини ёза олиш; - соҳага оид адабиётлар (бирламчи ва иккиламчи манбалар)га аннотациялар ёза олиш; - турли илмий материалларга хулоса ёза олиш; - тезис ва конференцияда катнашиш учун таклиф ва мушоҳадаларини ёза олиш; - соҳага оид мавзулар бўйича презентация ва маърузалар қила олиш; - амалиётда информацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларни қўллаш.

“Тил ва адабиёт таълими” журнали бош муҳаррири  Б.Жовлиев



Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон Қарори билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Олий таълим тизимини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Дастури”нинг III-қисмида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Ҳукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 5120100–Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалаврият таълим йўналиши малака талабларини турдош олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш.

“12” 08 2020 й.

Қатнашдилар: У.Саломов – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, Ш.Шерматов – Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, ЖизДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, НавДПИ ректори, ҚўқДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, НукДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, БухДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ГулДУ ўқув ишлари бўйича проректори, СамДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ТерДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ҚаршиДУ ўқув ишлари бўйича проректори, УргДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ФарДУ ўқув ишлари бўйича проректори, ҚҚДУ ўқув ишлари бўйича проректори, АндДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Б.Абдушукуров – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек филологияси факультети декани, А.Сайфуллаев - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани, Л.Раупова - Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани ва таклиф этилганлар

КУН ТАРТИБИ:

1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида ва ҳар бир таянч ОТМ учун Ҳукумат томонидан чиқарилган Фармон ва қарорлар асосида 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 51201100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили), 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талаблари муҳокамаси.

Сўзга чиқди: Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ўқув ишлари бўйича проректори С.Нормаматов ўз маърузасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майда ПҚ-4797-сонли “Алишер

Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида ўзбек тили ва адабиёти мутахассислари олдида жуда катта масъулиятли вазифалар қўйилганлигини таъкидлади. Жумладан, ўзбек тили ва адабиётини, унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий-назарий, фалсафий-эстетик асосларини, замонавий таълим технологияларини чуқур ўзлаштирган, давр талабларига жавоб берадиган юксак малакали илмий ва педагог кадрлар тайёрлаш, талаба ёшларни, ўзбек тили ва адабиётининг бой имкониятларидан фойдаланган ҳолда, Ватанга муҳаббат ва садоқат, умумбашарий кадриятларга ҳурмат руҳида, кенг дунёқарашга эга бўлган ва мустақил фикрлайдиган, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, умумий ўрта таълим мактаблари ва академик лицейлари, олий таълим муассасаларида ўзбек тили ва адабиёти фанини ўқитишнинг янги ва самарали методлари бўйича илмий изланишлар олиб бориш, илғор педагогик технологияларни кенг жорий этиш вазифалари университетнинг устувор йўналиши сифатида белгилангани, шунинг учун ҳам ушбу вазифаларни ўз вақтида самарали ҳал этиш мақсадида таълим йўналишлари малака талабларини қайта ишлаб чиқиш зарурияти туғилганини айтиб ўтди ҳамда университет ректори томонидан тузилган ишчи гуруҳ томонидан таълим йўналиши малака талаблари Фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар мазмун-моҳияти чуқур сингдирилган ҳолда қайта ишлаб чиқилгани ҳақида ахборот берди.

Мажлис иштирокчиларидан мазкур малака талабларини муҳокама қилиш ҳамда фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдиришни сўради.

Эшитилди: В.Назаров – университет ўқув бўлими томонидан таълим йўналишлари бўйича мутахассисларни жалб қилган ҳолда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларга асосан бакалаврият таълим йўналишлари малака талаблари лойиҳалари ишлаб чиқилди. 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 51201100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили), 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари бўйича малака талабларини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ куйидаги таркибда фаолият юритди:

Ш.С.Сирожиддинов – Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси;

С.Нормаматов – ўқув ишлари бўйича проректор – раис ўринбосари;

Б.Абдушукуров – Ўзбек филологияси факультети декани;

Л. Раупова – Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани;

А.Сайфуллаев – Таржима назарияси ва амалиёти факультети декани.

Кун тартибидagi мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан Ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 51201100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили), 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талабларини ишлаб чиқишда Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-, 2017 йил 27 июлдаги “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иктисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3151- ҳамда 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигидан экспертизадан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетидан мавжуд 5111200 – Ўзбек тили ва адабиёти, 5111300-Она тили ва адабиёти (ўзга тилли гуруҳларда ўзбек тили, 51201100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили), 5120900 – Ўзбек-инглиз таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари малака талабларини тайёрлашда турдош ОТМлар томонидан билдирилган камчилик ва тақлифлар инобатга олингани таъкидлансин.

3. Мазкур малака талабларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаштириш учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

Мажлис раиси

Ш. Сирожидинов

Котиб

Н. Чиникулов



**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
5120100 – Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) бакалавриат таълим
йўналиши малака талабларининг ишлаб чиқувчилари ва асосий кадрлар
истеъмомчилари ўртасида**

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

“ 12 ” 08 2020 й.

